

17-Мавзу: Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг тақсимланиши, ва кўпайтириш йўллари

Режа:

1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби динамикаси (ўзгариши).
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш ва сотиш.
4. Ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини ошириш йўллари.

1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти.

Қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналар, ташкилотлар зиммаларидаги асосий вазифасини бажариш учун ишлаб чиқариш жараёнида турли ишларни, хизматларни амалга оширадилар, хилма-хил маҳсулотларни етиштирадилар. Жумладан, пахта хом ашёси, буғдой, шоли, маккажўхори, картошка, карам, помидор, сабзи, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштирадилар. Йетиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти натурал миқдорини ифодалайди. Лекин, бу натурал кўрсаткичлар хўжаликларнинг йиллик фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди, чунки уларни натура ҳолида бир-бирига кўшиб бўлмайди. Шунинг учун ялпи маҳсулот қиймат шаклида аниқланиши лозим. Бунинг учун йетиштирилган барча маҳсулотларнинг қиймати кўшилган ҳолда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир йиллик ҳамда бир неча йиллик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳар йилги ҳақиқий ҳамда қиёсий баҳоларда ҳисобланади. Ҳозирги даврда қиёсий баҳолар сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳоларнинг ўртача йиллик миқдори олинган. Маълум йиллардан сўнг бошқа йилнинг ўртача баҳолари олиниши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида натура ҳолида йетиштирилган турли хилдаги маҳсулотлар тармоқнинг натура ҳолдаги ялпи маҳсулоти дейилади. Тармоқда натура ҳолда йетиштирилган маҳсулотларнинг қиймат ҳолидаги умумий йиғиндиси эса қишлоқ хўжалигининг қиймат ҳолидаги ялпи маҳсулоти деб аталади. Тармоқда йетиштирилаётган ялпи маҳсулот қиймати алоҳида маҳсулот турлари, тармоқлар ва хўжалик бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот тармоқнинг, корхонанинг бир йиллик фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. Қиймат шаклида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг таркиби қуйидагича бўлади:

1. Тайёр маҳсулот;
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида бир йил давомида йетиштирилиб, йиғиштирилиб, ҳисобга олинган, тақсимлашга ва сотишга тайёр бўлган маҳсулот қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Келгуси йилларда маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Жумладан, келгуси йилда пахта, буғдой, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун жорий йилда ерларни ҳайдаш, текислаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, келгуси йилда гўшт етиштириш учун жорий йилда харажатлар қилинади. Бундай харажатлар боғдорчиликда ҳам мавжуд.

Натура ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича алоҳида-алоҳида, ўсимликчилик маҳсулотлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ялпи ҳажми ҳам

қиймат ҳолида ҳисобланади. Бу маҳсулотлар бир йиллик ҳажмининг қиймати шу йилги ҳақиқий баҳоларда қуйидагича аниқланади:

Сотилган маҳсулотлар сотиш баҳоларида ҳисобга олинса хўжалик ички эҳтиёжи учун берилганлари уларнинг таннархлари бўйича ҳисобга олинади.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бу усул хўжалик эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш билан шуғулланганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини этарли даражада таъминлай олмайди. Маҳсулотлар таннархда белгиланганлиги учун фойда ололмайдилар. Фойда бўлмагач, ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш натижасига кўра, рағбатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ички эҳтиёжларга берилган маҳсулотларнинг қийматини ҳам ўртача сотиш баҳоларида аниқлаш ёки ички баҳоларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари, тармоқлар миқёсида қиймати ҳақиқий баҳоларда аниқланиши натижасида улардан ҳар бирининг жами ялпи маҳсулот қийматидаги салмоғини аниқлаб, таҳлил қилиш, бу кўрсаткичлар асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётини таққослаб, умумий хулосалар чиқариш мумкин. Лекин бунда тармоқнинг, хўжаликларнинг бир неча йиллик фаолиятини чуқур таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ҳақиқий баҳолар ҳар йили ўзгариб туради. Масалан, 1 тонна пахта хомашёсининг давлат харид нархи 2000 йилда ўртача 52 минг сўм даражасида белгиланган бўлса, 2009 йилда 510,0 минг сўмга яқин бўлган. Шу йиллар ичида унинг мутлақ миқдори 9.8 марта, бошоқли донларнинг давлат харид баҳоси эса 6.5 марта ошган. Ялпи маҳсулотнинг умумий қийматига таъсир кўрсатувчи бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ялпи маҳсулот қийматини қиёсий баҳоларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг, тармоқдаги меҳнат унумдорлиги даражасининг, фондлар қайтими кўрсаткичларининг бир неча йиллар давомидаги ўзгаришини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозор талабини эътиборга олган ҳолда сотилади, яъни қишлоқ хўжалигида ҳам пул-товар (П-Т) муносабатлари амалга оширилади. Маҳсулотларнинг пул-товар муносабатлари асосида сотилган миқдори товар маҳсулоти деб аталади. Шунга асосланган ҳолда маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун сотилган маҳсулот миқдорини жами йетиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги улушига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш лозим. Чунки у фоизда ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$T_d = (S_m \div O_m) * 100 \text{ yoki} = \frac{S_m}{O_m}$$

Бунда: T_d – маҳсулотнинг товарлилик даражаси, фоизда;

S_m – сотилган маҳсулот миқдори, тонна, сентнер, килограмм;

O_m – йетиштирилган жами маҳсулот (пахта, буғдой), тонна, сентнер

Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси тайёр маҳсулот ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Унга айрим пайтларда давлатнинг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳозирги даврда пахта хом ашёсига нисбатан давлат буюртмаси ва талабнинг мавжудлиги сабабли унинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг. Айрим техника маҳсулотлари ҳам хўжаликларда фақат сотиш мақсадида йетиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг бўлади. Масалан, каноп. Айрим маҳсулотлар эса фақат ички талабларни қондириш мақсадида йетиштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг товарлилик даражаси аниқланмайди. Жумладан, озуқа учун

Йетиштирилган эм-хашак, сабзи, турп, шолғом, помидор ва бошқалар. Улар сотилган ҳолдагина товарлилик даражаси аниқланади.

Ялпи ва товар маҳсулотларнинг мамлакат, тармоқлар ҳамда корхоналар иқтисодиётидаги аҳамияти катта. Жумладан, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми, қиймати ўсиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳам ўсиши таъминланади. 2000-2009 йилларда халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 26,8-19 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш туфайли барпо этилаётган валюта тушуми таркибида уларнинг салмоғи сезиларли бўлмоқда.

Натижада халқ хўжалиги барча соҳаларининг ривожлантирилиши таъминланади.

Ялпи маҳсулотнинг натурал миқдори кўпайиб, улар истеъмолчиларга турли усуллар ёрдамида етказилиши қайта ишлаш тармоқлари ривожланишини ҳамда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини юксалтиради. Бу аҳолининг иш билан таъминланиши юксалиб, реал даромади ортишига, яшаш шароити яхшиланашига олиб келади.

Корхоналар ялпи ва товар маҳсулотининг кўпайиши уларнинг ҳам иқтисодиёти юксалишини таъминлайди. Хўжалик ялпи маҳсулотининг, натура ҳолдаги миқдори кўпайиши тайёр маҳсулот миқдори ошишига сабаб бўлиб, ички ва ташқи талаб тўлиқроқ қондирилишига имконият яратади. Натижада сотиладиган маҳсулот миқдори ортади. Уни сотиш эвазига корхоналарнинг пул даромадлари кўпаяди. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган ҳолда ривожланишини, ишчи-хизматчиларнинг эса моддий рағбатлантирилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилаб, рақобатбардошлигини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет давлатларга сотиш натижасида мамлакатнинг валюта тушуми ортиб бормоқда. Чет эл валюталари кўпайиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, янги техникалар, илғор технологиялар сотиб олинмоқда.

2. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби динамикаси (ўзгариши)

Мустақиллик йиллари жамият табиат, иқтисодий ва ижтимоий қонун талабларига асосланган ҳолда республика иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигида қаттиятлилик билан, босқичма-босқич ҳуқуқий, ташкилий, таркибий, ҳамда иқтисодий ислохатлар амалга оширилмоқда. Уларни амалга ошириш учун улкан меҳнат, катта маблағ сарфланмоқда. Улар сўнгги йилларда ижобий натижалар бермоқда. Масалан, мамлакат қишлоқ хўжалигининг ҳақиқий нарҳлардаги ялпи маҳсулоти 1997-2008-йилларда 26.2 марта ошган. Лекин шу йилларда фермер хўжаликларининг ялпи маҳсулоти 227.4 марта ошган. Бундай ўсиш фермерчиликни устувор суръатларда ривожланиши билан боғлиқ. Давлат ва жамоа мулкчилигига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи маҳсулоти шу даврда 10.2 мартага ошган. Бу ҳол хусусий мулкчиликни самарали эканлигидан далолат беради. Республика қишлоқ хўжалигида деҳқон ва оила таморқа хўжаликларининг ўрни шу даврда катта бўлиб уларни ялпи маҳсулотдаги салмоғи 61%дан юқори бўлган. Шунинг учун ҳам ҳукумат, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожланишида унга катта эътибор қаратади.

Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўсиши қуйидаги омиллар ҳисобидан таъминланган:

- янги ерларни ўзлаштириш эвазига экин майдонларини кенгайганлиги;
- серҳосил экин турларини экиш, яъни экин турларини диверсификациялаш ҳисобига;
- чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайиши ҳисобига;
- чорва ҳайвонларини маҳсулдорлигини ошиши ҳисобига;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларининг ўсиши ҳисобига;

Бозор талабини қондириш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини табиий ҳамда иқтисодий омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ жойлаштириш талаб этилади. Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барча турдаги зарур ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш ҳамда улардан уддабуронлик билан самарали фойдаланишга эришиш керак.

Республика қишлоқ хўжалигида йетиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 98,7 фоизи (2001 йил) нодавлат сектор зиммасига тўғри келган бўлса, 2008-йилга келиб 99,9фоизи тўғри келган. Бу, албатта, ижобий ҳол. Лекин тармоқда маълум миқдорда давлат сектори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Улар асосан қишлоқ хўжалигида фан, техника, технологияларни ривожлантириш билан банд бўлиши мумкин. Жумладан, фан ютуқларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларининг сифатли, серунум навларини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини, янги, серунум техникаларни, самарали технологияларни яратиш, уларни ўз ишлаб чиқаришимизда синашимиз ва ҳаётга кенг татбиқ этишимиз лозим.

Қишлоқ хўжалигининг нодавлат секторида жамоа, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар маҳсулот етиштириш билан банд. Жамоа, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари асосан товар маҳсулотлар етиштириб, бозор талабини қондириш билан шуғулланмоқдалар. Деҳқон хўжаликлари эса ўз ички талабларини қондириш мақсадида маҳсулот етиштириб, эҳтиёждан ортган қисмини бозорга чиқарадилар. Ҳозирги даврда республикада йетиштирилаётган пахтанинг 100 фоизини, доннинг 86 фоизга яқинини жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари етиштирмоқдалар. Сабзавот маҳсулотларининг 67 фоизга яқини, картошканинг 83.4 фоизи, гўштнинг 94.9 фоизи, сутнинг эса 96,8 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу республика қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт шаклланаётганлигидан далолат беради.

Хўжалик юритишнинг бу шаклларини янада ривожлантириш учун давлатнинг истиқболга мўлжалланган самарали дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилиши зарур. Шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш ва сотиш.

Қишлоқ хўжалигининг энг асосий вазифаси республика ҳудудидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг хомашёга, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришдир. Шу билан биргаликда, тармоқ ташқи бозор талабини қондиришда ҳам қатнашиши мақсадга мувофиқдир

Бу талаблар қишлоқ хўжалиги учун давлатнинг пахта ва ғаллага бўлган энг муҳим буюртмаларини бажаришга асосланади. Бу маҳсулотларга давлат

буюртмаларининг миқдори уларни етиштириш бўйича режалаштирилган ҳажмга нисбатан ширкат ва фермер хўжаликларида 50 фоиз даражасида белгиланган. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқда эҳтирилган маҳсулотларнинг, чунончи, уруғлик, эм-хашак, озуқа кабиларнинг маълум бир қисми ички талабни қондиришга сарфланади. Акс ҳолда тармоқда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши таъминланмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш учун йетиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми бу борадаги талабларини қондириш мақсадида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ўрнига натура ҳолида берилади, уларнинг овқатланишлари учун ажратилади. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга маълум миқдордаги маҳсулотлар текинга берилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида йетиштирилаётган маҳсулотлар муайян каналлар бўйича тақсимланмоқда ва сотилмоқда. Чизмадан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, етиштирган пахта, дон маҳсулотларининг давлат буюртмасида кўрсатилган миқдорини «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компаниясининг жойлардаги корхоналари билан тузилган шартномалар асосида сотадилар. Бу турдаги маҳсулотларнинг давлат буюртмаларидан ортиқча қисми эркин савдода шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга сотилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бозор иқтисоди шароитида корхоналарга етиштирган маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари тўлиқ борилиши зарур. Шунинг учун давлат буюртмалари ўрнига иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлардагидек маҳсулотларни эркин сотиб олиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шу орқали давлатнинг иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати амалга оширилиши учун тўлиқ имконият яратилади. Бунда корхоналар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун зарур маҳсулотларни ички талабларни қондирадиган миқдорда ажратишлари лозим. Бунинг учун ҳам ички шартномалар тузиш керак. Уларда хўжалик ичидаги муносабатларни амалга ошириш тартиби тўлиқ кўрсатилиши зарур.

Шундан сўнг улар қолган маҳсулотларини шартномлаар асосида эркин бозорларда, жумладан, биржаларда, кўрғазмалар ёрдамида, аукционлар ҳамда чакана савдолар орқали сотишлари мумкин.

Эркин бозор шароитида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилиши тақозо этилади.

Шартномалар ҳар икки томоннинг эркин келишуви асосида тузилиши шарт. Шартномаларни тузишдан олдин томонлар бозорни (маркетинг масалаларини) мукамал ўрганишлари, хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, менежерлар зарур воситаларни қаердан, қачон, қандай баҳоларда, қанча ва қандай усулларда олиш мумкинлигини, шунингдек, ўз маҳсулотларини фойдаси билан сотиш йўллари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, амалиётдаги қонун ва қоидаларни ҳам мукамал билишлари, улар асосида иш юритишлари керак.

Шартномалар узоқ, қисқа муддатга ва бир марта амалга ошириладиган муносабатлар бўйича тузилиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари

маҳсулотларини сотиш учун ҳар йили шу маҳсулотларни (пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқ.) сотиб олувчилар билан шартномалар тузадилар.

Шартномалар ҳар бир ҳамкор билан маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича алоҳида-алоҳида тузилиши лозим. Уларни тузишни осонлаштириш мақсадида Ўзбекистонда намунавий шартномаларнинг бир неча тури мутасадди ташкилотлар томонидан тавсия этилган. Чунончи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоятлардаги, туманлардаги бошқармаларига, туманларга ҳамда давлат хўжаликларига, фермер хўжаликларига ўз иш фаолиятларини юритиш учун ерни узоқ муддатга ижарага бериш; боғ ва токзорларни улар жойлашган ер участкалари билан ижарага бериш бўйича намунавий шартномаларни давлат тилида тақдим этган.

Намунавий шартномаларнинг аксарияти рус тилидаги сабабли тадбиркорлар кўп ҳолларда уларни тушунишга қийналмоқдалар, хатоликларга йўл қўймоқдалар. Қолаверса, улар эскирган тизим қолипида бўлганлиги боис талабларга тўла жавоб бермаётир. Шунинг учун тавсия этилган барча намунавий шартномалар давлат тилига қайта, замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ўгирилиши шарт. Намунавий шартномаларда томонларнинг вазифалари, бурчлари, мажбуриятлари, барча шартлар аниқ, тўғри, равон ёзилиши талаб этилади. Масалан, давлат талабини қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш бўйича тузиладиган шартномада қуйидаги масалалар аниқ кўрсатилиши лозим: шартнома тузувчиларнинг юридик номлари, раҳбарнинг исми-шарифи; сотувчининг қандай маҳсулотларни, қайси муддатларда, қанча миқдорда тайёрлаб бериши, олувчининг сотиб олган маҳсулотлар учун белгиланган вақтда ҳақ тўлаши лозимлиги; сотилган маҳсулотларнинг ассортименти давлат андозалари бўйича; маҳсулот ишлаб чиқарувчининг уларни сотиб олувчи ташкилот томонидан молиялаштириш тартиби аниқ ёзилган бўлиши; томонларнинг юридик жиҳатдан кафолатланганлиги ҳамда бу кафолатнинг муҳлати; сотувчининг сотиладиган маҳсулотларни олувчига етказиб бериш тартиблари ва муддати; сотилган маҳсулотларнинг баҳолари тўлиқ кўрсатилиши; сотиб олинган маҳсулотларга ҳақ тўлаш тартиби, уларни етказиб бериш шартлари; томонларнинг мажбуриятлари; идишлар ва маҳсулотларни жойлаштириш ишлари, уларга белги, тамға босиш тартиби; тузилаётган шартноманинг ҳаракат муддати, томонларнинг жавобгарлиги; муносабатлар жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш тартиби; шартномаларга ўзгартириш киритиш шартлари; томонларнинг ўзаро алоқаларни ўрнатиш тартиби; форсмажор ёки томонларнинг махсус, тасодифий (ёнғин, сув тошқини, уруш, зилзила) ҳолатларидаги вазифалари, бурчлари; томонларнинг юридик маскани; маҳсулот сотувчи ва сотиб олувчи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар; томонларнинг муҳри, раҳбарларнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилган бўлиши шарт. Бу шартнома қишлоқ хўжалиги корхоналари билан пахта заводлари, дон комбинатлари ўртасида тузилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шартномаларни тузишда ҳозир ҳам яккаҳокимлик аломатлари мавжуд. Чунки эркин бозорда қайта ишловчи уларнинг рақобатчилари бўлмаганлиги, бўлганда ҳам жуда камлиги сабабли яккаҳокимлик улар томонида бўлади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сотилаётган пахтанинг, ғалланинг баҳоси эркин, келишилган ҳолда ўрнатилаётгани йўқ. Бу муаммоларни тўғри ҳал этиш учун мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Лекин, ҳозирги даврда эркин савдо субъектлари чекланганлиги сабабли қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари жуда тор, яъни эркин рақобатли бозор тўлиқ шакллангани йўқ. Масалан, корхоналар маҳсулотларининг давлат буюртмаларидан ортиқча қисмини эркин рақобат асосида сотиб оладиган пахта тозалаш заводлари, дон комбинатлари жуда кам. Шунингдек, туманларда сабзавот, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотларини сотиб олувчи корхоналар ҳам чекланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга олиб чиқиб сотиш учун талайгина муаммолар ҳал этилиши талаб қилинади. Уларни ҳал этиш учун барча хўжалик раҳбарларининг имкониятлари йўқ. Шунинг учун келажақда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини яратиш зарур. Бунда даставвал нодавлат мулкчилигига асосланган турли хилдаги кичик, ўрта корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу орқали қишлоқ ҳудудларида кўшимча иш жойлари ташкил этилиб, маҳсулотларни сотишда эркин бозорни шакллантириш таъминланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маҳсулотларини (рақобатбардош бўлса) эркин сотиш имкониятларини кенгайтириш, бу жараёни соддалаштириш керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотларни сотишга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам беришлари зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарида бозорни ўрганиб, савдо-сотик ишларини ривожлантирадиган маркетинг бўлимлари ташкил этиб, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда, сотишда табиий шароитларни ҳамда халқимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларини, албатта, эътиборга олиш зарур. Чунки айрим маҳсулотларни етиштиришга табиий шароитлар, айримларини етиштиришга миллий одатларимиз йўл бермайди. Жумладан, чўчқачиликни ривожлантиришга. Лекин бу соҳа самарали ҳисобланади. Йетиштирилаётган маҳсулотларни эркин сотишда аҳолининг миллий эҳтиёжини эътиборга олиш лозим. Чунки мусулмон динига мансуб бўлган аҳоли чўчқа гўштини, чўчқа гўшtidан тайёрланган маҳсулотларни сотиб олмайди, чунки уларни истеъмол қилмайди. Лекин унни, нон маҳсулотларини, шолини кўпроқ сотиб олади. Чунки улар ҳар куни уч маҳал нон эсалар ҳам кўнгиллариغا тегмайди. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотишда, тақсимлашда юқоридаги масалаларга эътибор бериш лозим.

4. Ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини ошириш йўллари

Республика аҳолисининг аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам тўлиқ қондирилмаяпти. Уларнинг айримларини четдан олиб келиб, сотиш орқали ҳам бу муаммо тўлиқ эчилганича йўқ. Бу асосан дон, қанд, шакар маҳсулотларига, катоска ва чорвачилик маҳсулотларига, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларига тегишли. Шунинг учун барча турдаги корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш энг долзарб муаммодир. У сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга. Бу муҳим муаммони ҳал этишнинг асосан икки йўли мавжуд:

◆ Экстенсив йўл. Яъни, экин майдонларини, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш. Бу усулни адабиётларда, Америка усули, деб ҳам аташади. Лекин унинг ривожлантирилиши айрим ишлаб чиқариш ресурслари, жумладан, ер ва сув ресурслари табиатан чекланганлиги сабабли тўлиқ таъминланмайди.

Бу усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун моддий маблағ ҳамда меҳнат сарфлари асосан янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муомаласига киритишга ҳамда чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтиришга қаратилади. Натижада ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдори кўпайтирилади. Шу билан бирга бу жараёнда янги техникаларни, илғор технологияларни, зооветеринария ишларини ҳам амалга ошириш талаб қилинади. Демак, бу усул ёрдамида ялпи маҳсулот ҳажми кўпайиши, сифати яхшиланиши таъминланади.

◆ Интенсив йўл. Яъни, фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, чорвачиликда зоттехнология, ветеринария ишларини ривожлантириш асосида ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш. Бу усулни адабиётларда, Пруссия йўли, деб ҳам аталади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосан моддий, маблағ ва меҳнат сарфларини, фан ютуқларини, янги техникаларни ҳамда илғор технологияларни, ҳайвонларнинг насл ва зотларини, ўсимлик навларини яхшилашга қаратиш орқали, бинобарин, қўшимча инвестицияларни амалга ошириш ҳисобига таъминланади.

Республикада экстенсив йўл билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш Фарғона водийсининг аксарият хўжаликларида, Хоразм вилоятида ҳамда эскидан дон суғориладиган ҳудудларда анча чекланган. Лекин интенсив усулдан барча вилоятларда фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунинг учун, аввало, бутун аҳолида ватанпарварлик руҳи ривожланишига эришиш, ўз ҳаётимизнинг юксалишини ўзимиз таъминлашимиз керак, деган тушунча барчада мустаҳкам шаклланиши керак. Ватанпарварлик, албатта, иқтисодий тадбиркорлик билан мустаҳкам, реал боғланиши, чунончи, тадбиркорликни амалга ошириш учун маблағлар бўлиши лозим. Уларни асосан ишлаб топиш зарур, этишмаган қисмини эса давлат ва маҳаллий бюджетлардан, қарзлар ва бошқа манбалар ҳисобига қоплаш мумкин. Бу маблағларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, уларнинг сифатини таъминловчи қуйидаги тадбирларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- зотли, сермахсул чорва ҳайвонларини яратиш, сотиб олишга;
- янги боғлар, токзорлар, кўп йиллик дарахтзорларни барпо этишга;
- янги ирригация-мелиорация тизимини барпо этиш, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- сермахсул ўсимлик навларини, чорва зотларини яратиш мақсадида фан-техникани ривожлантиришга;
- янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этишга;
- ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш, кимёлаштиришни ҳамда электрлаштиришни таъминлашга;
- мавжуд асосий воситаларнинг ишга яроқлилигини таъминлашга;

- ўсимликчиликнинг, чорвачиликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабини имконият даражасида таъминлашга;
- ишчи-хизматчиларнинг билимини, малакасини юксалтириш ва моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни реал, таъсирчан усуллар орқали ривожлантиришга;
- ишлаб чиқаришни либераллаштириш, эркинлаштиришга, ислохотларни чуқурлаштиришга;
- ишлаб чиқариш, давр харажатларини, молиявий харажатларни имконият доирасида камайтиришга;
- солиқлар тизimini такомиллаштиришга;
- айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини эркинлаштириш ва бошқаларга.

Таъкидланган тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида ўсимликчилик, чорвачилик маҳсулотлари миқдорининг кўпайиши ва қийматининг ошиши таъминланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши улар ички ва ташқи талабни қондириш мақсадида кўпроқ сотилишини таъминлайди. Натижада ўсимчилик, чорвачилик маҳсулотларининг товарлилик даражаси оширилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш тизимини эркин бозор талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш лозим. Бунинг учун аввало, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзида маркетинг масалалари билан мунтазам шуғулланадиган гуруҳлар ёки бўлимларни ташкил этиш, уларни эркин бозор маълумотлари билан мунтазам таъминлаш зарур.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланувчи барча ташкилотларнинг, корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бўлимларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак. Шундагина ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди: қишлоқ хўжалик корхоналари тез айнийдиган маҳсулотларни 70-100 км. масофадаги заводларга ташиб, вақтдан ютказмайди, ортиқча харажатлар қилмайди ва маҳсулот сифати ёмонлашмайди, маҳсулотларнинг кўпроқ, тезроқ, арзонроқ сотилиши таъминланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг ўзлари ҳам етиштирган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Уюшмага кирувчилар учун эркин, қулай шароитлар яратилиши лозим. Бундай уюшмалар маҳсулотларни сотишда эркин рақобатли бозор вужудга келишида муҳим ўрин тутди.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ҳақини келишилган муддатларда олиш имкониятларига эга бўладилар, уларни хўжаликлар ишлаб чиқаришга сарфлаши натижасида ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтиришга эришадилар.